

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan


«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2015-yil 7-fevral, shanba № 11 (15857)

9-fevral — Alisher Navoiy tavallud topgan kun

ЕНГИЛМАС КУЧ МАНБАИ



Туркий халқларнинг фахру ифтихори Низомиддин Мир Алишер Навоий жаҳон адабиёти хазинасини ўзининг ҳассос шеърояти, буюк “Хамса”си, бой илмий мероси билан бойитган сўз санъаткоридир.

Бу буюк сиймо мана беш асрдан ошибдики, асарларидаги чуқур фалсафий мушоҳада, маъно-моҳиятнинг кенг кўламлилиги ва назмий меросидаги фасоҳат денгизининг бепоёнлиги билан адабиёт мухлисларини ҳайратга солиб келади.

Истиклол йилларида мутафаккир шоир ижодини ўрганиш юксак босқичга кўтарилди, навоийшуносликда янги талқинлар пайдо бўлди. Навоий ижодини ўрганиш бўйича амалга оширилган ишлар, олимлар олдида турган муҳим вазифалар, умуман, бугунги кун навоийшунослиги ҳақида сиз, азиз ўқувчиларимизни хабардор қилиш мақсадида бир гуруҳ устозларга муурожаат қилдик.

4-, 5-саҳифаларга қаранг

Еʼтироф

Ўзбекистонлик профессор Нуфузли мукофот соҳиби



Buyuk siymolar

БАРЧА ДАВР УЧУН ЗАМОНДОШ

Шу кунларда ўзбек мумтоз адабиётининг буюк намояндалари — Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунларига бағишлаб кўплаб маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ташкил этилган «Наволаринг барҳаётдир бу гулшан аро» мавзусидаги адабий-бадиий тадбирда истиқлол йилларида Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, кенг тарғиб этиш бўйича изчил ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Алишер Навоий халқимизнинг фахру ифтихоридир. Унинг асарларида инсонийлик, ҳалоллик, мардлиқ, қаноат, адолат, вафо, муҳаббат каби азалий ва абадий эзгу тушунчалар улуғланади. Инсон маънавиятига ҳамisha соя солиб келган риё, эътиқодсизлик, ҳасад, кибр каби иллатлар кескин танқид қилинади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ижоди ва инсоний фазилатлари бугунги

авлодлар учун ибрат мактабидир. Юртимизда Бобур ва бобурийлар меросини ўрганиш юзасидан кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бу аждодларимизнинг асарларида тараннум этилган тинчлик ва фаровонлик, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, яратувчанлик, юрт ободлиги каби эзгу ғоялар юртимизда барча соҳаларда эришилаётган ютуқларда ўз ифодасини топмоқда. Уларнинг ўлмас ижоди, илм-фан ривожини йўлидаги оламшумул ишларида инсон руҳиятининг гўзал бадиий ифодаси, маънавий камолот, миллий ўзликни англаш каби эзгуликлар мужассам.

— Буюк алломаларимизнинг чин инсоний фазилатлар баланд мақомда куйланган асарлари, ибратли ўғитлари биз, ёшларнинг маънан баркамол бўлиб шаклланишимизда беқиёс аҳамият касб этади, — дейди институт талабаси Жавоҳир Туратов. — Бу ҳикматлар бизни яхшилик сари етаклайди, саховатли, меҳроқибатли, билимли инсон бўлишга даъват этади.

Тадбирда улуг шоирлар рубоийлари асосида тайёрланган адабий композициялар, ғазалларига басталанган куй-қўшиқлар ижро этилди.

Б.МЕЛИКУЛОВА,
УЗА мухбири

Франция Республикаси ҳукумати физика-математика фанлари доктори, профессор Шуҳрат Эгамбердиевни астрофизика ривожига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда бу борада икки давлат ўртасидаги илмий ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун “Академиклар пальмаси” фахрий ордени билан тақдирлади. Нуфузли мукофотни тантанали топшириш маросими Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонасида бўлиб ўтди. “Академиклар пальмаси” ёки “Алвон легион” ордени 1808 йилда таъсис этилган бўлиб, французларнинг фан ва таълим соҳасидаги олий мукофоти ҳисобланади. Фахрий ордenga илк маротаба ўзбекистонлик олим муносиб топилгани юртимиз илм-фанининг халқаро даражадаги юксак эътирофи намунаси.

(Давоми 3-саҳифада)

Yil sarhisobi

ТАҲЛИЛ, ХУЛОСА ВА РЕЖАЛАР

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида Ҳаракатнинг 2014 йил якунига бағишланган сарҳисоб йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ҳаракат аъзолари, Марказий Кенгаш раиси ва ўринбосарлари, ҳудудий кенгашлар раислари иштирокида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда «Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар дастури»-да белгиланган вазифалар ижроси, бюджет ва 2015 йилга мўлжалланган иш режаси каби масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишни «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раиси Баҳодир Фаниев очиб берди.

Шундан сўнг Марказий Кенгаш раисининг биринчи ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова ижтимоий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий йўналишларда ҳамда Ҳаракат фаолиятининг ОАВ орқали ёритилиши борасида амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот берди.

(Давоми 2-, 3-саҳифаларда)

Ekologiya

Табиат ва тадбиркорлик омили



Халқаро бизнес марказида Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда тадбиркорлар, корхоналар раҳбарлари ҳамда хусусий тармоқ вакиллари учун «Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш — тадбиркорлик ривожланишининг барқарор омили» мавзусида семинар ташкил этди.

(Давоми 6-саҳифада)

Parlament quyi palatasida

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Қўйи палатанинг қўмиталари тузилди

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар Олий Мажлис қўйи палатасининг қўмиталарини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонунга мувофиқ қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Республика қонунлари ҳамда палата томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун депутатлар орасидан раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда қўмиталар сайланиши лозим. Ушбу таркибдаги лавозимлар депутатларнинг қайси партия ёки гуруҳга мансублигини ҳамда сайловда сайловчиларнинг қанча овоз олганини инобатга олган ҳолда белгиланади. Шунинг билан депутатлар таркибидан қўйи палатанинг 11та қўмитаси тузилди. Уларнинг барча аъзолари тенг ҳуқуққа эга ва қўмита таркибига сайланмаган депутат маслаҳат овози ҳуқуқи билан унинг ишида иштирок этишга ҳақли. Қонунга кўра, Қонунчилик палатаси қўмиталари ишни ўз режаларига, шунингдек, Қонунчилик палатаси, унинг Спикери ва Кенгаши топшириқлари ҳамда тавсияларига мувофиқ ташкил этади ҳамда уларнинг фаолияти тартиби қўйи палата Регламентида белгиланади.

Шундан сўнг, депутатлар Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясини тузиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Комиссия таркибига Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича тажриба ва кўникмага эга депутатлари киритилди.

Мажлисида кўрилган масалалар юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тегишли қарорлар қабул қилди.

Жавлон ВАФОВЕВ,
«Turkiston» мухбири

ТАҲЛИЛ, ХУЛОСА

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

Ўтган йили Ҳаракатнинг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг ҳуқуқий билимларини янада юксалтиришга қаратилган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови янги низом асосида ташкил этилиб, унда 55 минг нафардан зиёд ўқувчи қатнашди. Бироқ 2006 йилда мазкур танловга 75 мингдан ортиқ йигит-қиз жалб этилганини инобатга олсак, ўтган йилда ташкилотчилик билан боғлиқ камчиликларга йўл қўйилгани ойдинлашади. Масалан, Ҳаракатнинг туман ва шаҳар кенгашлари томонидан танловнинг таълим муассасаси босқичлари умуман ташкил этилмаган. Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилган «Тафаккур синовлари» танловида эса ёшлар қизиқиши 2013 йилга нисбатан ўн фоиз ортган. Унинг саралаш ва ҳудудий босқичлари 69та олий таълим муассасасида ташкил этилиб, унда 7800 нафар талаба иштирок этди.

Ҳаракатнинг тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари лойиҳаси орқали ички ишлар идораларида профиллактик ҳисобда турган вояга етмаганлар хулқи ижобий томонга ўзгарган ҳолатда тавсиянома орқали профиллактик ҳисобдан чиқарилади.

2014 йилда мазкур оромгоҳларга 1645 нафар ёш жалб этилди. Аммо бу бўйича Тошкент шаҳри, Сирдарё, Андижон, Самарқанд, Фарғона вилоятларида муайян камчиликларга йўл қўйилгани аниқланган.

Ўтган йили ёшларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида ўтказилган учрашувларга 250 мингга яқин ёш жалб этилди. Режада ҳар ойда бир маротаба ҳудудларда «Ҳоким ва ёшлар» мавзусида туркум учрашувларни ўтказиш белгиланган бўлса-да, унинг ижроси Қашқадарё, Жиззах, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари кенгашларида ўз холига ташлаб қўйилган. Шунингдек, мазкур тавсияларга асосан, ҳар бир учрашув якуни юзасидан ёшлар томонидан билдирилган муаммо ва таклифлар асосида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда ижроси юзасидан тегишли ташкилотларга маълумотлар киритиб бориш вазифаси белгиланган эди. Афсуски, шу кунга қадар ҳеч бир ҳудудий кенгаш томонидан ушбу масала юзасидан бирорта амалий иш қилинмаган.

Ўтган давр мобайнида ёшлар суд органлари тизими ва фаолияти билан ҳам яқиндан таништириб борилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий, Олий ва Олий ҳўжалик судларида йигирмага яқин учрашувлар ташкил этилиб, уларда икки мингга яқин йигит-қиз иштирок этди. Олий Мажлис палаталари депутат ва сенаторлари иштирокида ўтказилган «Депутат ва ёшлар», «Сенатор ва ёшлар» мавзуларидаги учрашувларда йигирма минг нафардан ортиқ ёш қатнашди.

Ҳаракатнинг энг йирик лойиҳаларидан бирига айланган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» мавзусидаги тарғибот тадбирлари доирасида юртимизнинг барча ҳудудларида тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, уларда эллик мингдан ортиқ ёш иштирок этди. Тарғибот ойлари доирасида «Ватан келажаги сенинг қўлингда!» шиори остида «Ёшлар ва сайлов — 2014» лойиҳаси ҳамда расмлар танлови ташкил этилди. Шунингдек, таълим муассасаларида ёшларни сайлов қонунчилиги билан яқиндан таништириш мақсадида «Бугунги ўқувчи — эртага сайловчи», «Сенинг овозинг ҳал қилувчи кучга эга» каби мавзуларда ахборот соатлари, «Мен сайловга тайёрман!» мавзусида деворий газеталар ҳамда «Ёш сайловчилар кунлари» ахборот акциялари ўтказилди.

Бундан ташқари, elections2014.kamolot.uz суб-сайти орқали «Мен сайловга тайёрман!» онлайн танлови ташкил этилди. Конституция ҳамда сайлов қонунчилигига доир саволлардан иборат ушбу танловда 10 ёшдан 30 ёшгача бўлган 120 минг нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди.

Ҳаракатнинг маънавий-маърифий йўналишдаги энг йирик лойиҳаси «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивалидир. Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан ташкил этилган фестивалларда ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий, маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш йўналишларида ўн тўртта лойиҳа ташкил қилиниб, уларга бир миллион нафардан зиёд ўғил-қиз қамраб олинди. Фестивалларда «Камолот» кутубхонаси лойиҳаси доирасида Ҳаракатнинг энг намунали маҳаллий кенгашлари қошида ёшларнинг таклифлари асосида чоп

этилган китоблар жамланган мўъжаз кутубхоналар ташкил этилди.

Бироқ баъзи ҳудудий кенгашлар ходимларининг масъулиятсизлиги оқибатида Қарши, Нукус, Жиззах шаҳарлари ҳамда Данғара, Косонсой, Олмазор, Қизилтепа, Шовот, Ургут, Булунғур, Норин, Чиноз туманларида ёшлар фестиваллари доирасидаги лойиҳалар етарли савияда ташкил этилмади.

Ҳаракат ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида «Шунқорлар» ва «Ёш чегарачилар» ҳарбий мусобақаларини ўтказиб келмоқда. Ўтган йили республикамизнинг чегараолди туман ва шаҳарларида ташкил этилган «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақаларида 368та жамоа таркибиде академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 3700 нафар ўқувчиси қатнашди. «Шунқорлар» мусобақасида эса 1150дан ортиқ жамоа иштирок этди.

2014 йилда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати илк бор «Кино ва ёшлар» республика форумини ташкил этди. Унда соҳа вакиллари ҳамда Ҳаракат етакчиларидан иборат етмиш нафарга яқин экспертлар гуруҳи шакллантирилиб, жойларда олти секцияда тадбирлар ташкил этилди. Лойиҳа доирасида ўзбек миллий кино санъатига доир масалаларни ёшлар орасида кенг муҳокама қилиш мақсадида Ҳаракатнинг интернет тармоғидаги www.kamolot.uz сайтида «Кино ва ёшлар» номли махсус саҳифа очилди. Ушбу саҳифа орқали жамоатчилик орасида кино санъатининг турли йўналишлари бўйича сўровлар ўтказилиб, унда 20 мингга яқин респондент иштирок этди. Форум якунида кино санъатини янада ривожлантириш, ёш киноижодкорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган элликка яқин таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ёшлар ташкилоти мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистони!» шиори остида «Истиқлол фарзандлари» ёшлар фестивалини ўтказди. Унда республикамизнинг барча ҳудудларидан Давлат мукофотлари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони, «Камолот» стипендияси соҳиблари, халқаро олимпиада ва спорт мусобақалари ҳамда «Камолот» ЁИХнинг йирик лойиҳаларида ғолиб чиққан 254 нафар ёш иштирок этди. Фестиваль доирасида Мустақиллик ва эзгулик монументи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Симпозиумлар саройига саёҳатлар уюштирилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд ва Олий судларда учрашувлар ташкил этилди.

«Камолот» ёшлар оромгоҳида ёш журналистларнинг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда тўлланган илғор тажрибани оммалаштириш, ёшлар учун мўлжалланган медиа-лойиҳалар ишлаб чиқиш мақсадида республикамизнинг барча ҳудудларида фаолият юритаётган саксон нафар журналист ва Ҳаракат тизимидаги матбуот хизмати ходимлари иштирокида медиа-тренинг ташкил этилди. Унинг якунида иштирокчилар Ҳаракатнинг ОАВ билан ишлаш, ташкилот фаолиятининг очик ва ошқоралигини таъминлаш, мамлакатнинг ёшларга оид миллий ахборот сиёсатини янада ривожлантиришга қаратилган қирққа яқин таклифларни ишлаб чиқди.

Қатор вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида иккинчи маротаба ташкил этилган «MIT.uz» — миллий интернет танловида 1300дан ортиқ веб-дизайнер, журналистлар, фотомухбирлар ва бошқа ҳаваскор ижодкорлар иштирок этди. Танловга тақдим этилган ижодий ишларнинг қарийб 300тасини веб-сайт ташкил қилади. Эътиборли жиҳати шуки, уларнинг 80 фоизи талабалар томонидан яратилган бўлиб, шундан ярмидан кўпи сайтлардир.

Танлов низомига кўра, иштирокчиларнинг анкеталари Ҳаракатнинг ҳудудий кенгашлари томонидан қабул қилиниши белгиланган. Аммо, тарғибот тадбирлари етарли даражада ташкил этилмагани боис, аксарият анкеталар тўғридан-тўғри Марказий Кенгашга топширилди. Қарши, Нукус, Самарқанд, Фарғона ва Урганч ТАТУ филиаллари жойлашган бўлишига қарамай, ушбу ҳудудларда яшовчи тенгдошларимизнинг танловдаги иштироки сувлиги кузатилди. Сирдарё, Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари ёшлари эса анкеталарни ҳатто қаерга топшириш ҳақида ҳам маълумотга эга бўлмаган.

Ўзбекистонда ёшлар туризмни ривожлантириш, туман ва шаҳарларнинг туристик салоҳиятини тарғиб қилишга қаратилган мутлақо янги «Янги нигоҳ» видеороликлар тан-

лови кўнгилдагидек ўтказилган. Танловга туризм, экотуризм, миллий қадрият ва урф-одатлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни тарғиб этишга қаратилган 300дан ортиқ ижодий иш тақдим этилган. Аксарияти Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Хоразм вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

«Turkiston» газетаси Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этган «Turkiston» савол беради» медиа лойиҳаси жамоатчилик, хусусан, ёшлар аудиториясини юртимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати ҳақида кенг хабардор этишга қаратилди. Ушбу лойиҳа орқали Ҳаракатнинг ҳудудий кенгашлари раислари билан тўғридан-тўғри мулоқот ташкил этилди. Интервьюлар жараёнида газета таҳририяти ҳамда ёшлардан келиб тушган уч мингга яқин саволларга жавоб берилди.

Бугунги кунда Ҳаракат муассислигида 3та ҳамда ҳаммуассислигида 7та нашр самарали фаолият олиб бормоқда.

Бироқ ушбу нашрларга обунани ташкил этиш ҳамон ачинарли аҳволда. Жумладан, Тошкент шаҳрида «Turkiston» газетасига режадаги 519та нусха ўрнига бор-йўғи 27та обуна қилинган бўлса, Жиззахда бу кўрсаткич 358тадан 26тани, Бухорода — 1514тадан 377тани, Самарқандда — 275тадан 124тани ташкил этди. Қолган ҳудудларда белгиланган режанинг 50-60 фоизигина бажарилган ҳолос. «Молодёжь Узбекистана» газетасига ҳам обуна режасини бажариш ҳолати суст. Биргина Жиззах вилоятида бу газетага атиги 3та обуна бўлингани ниҳоятда ачинарлидир. Тошкент шаҳрида ҳам аҳвол шунга яқин. Режадаги 305та ўрнига 18та, Андижонда 361та ўрнига 140та обуна қилинган. Қолган ҳудудлар мазкур нашрга обуна режасини 40-50 фоизга бажарган ҳолос.

Энди қуйидаги рақамларга эътибор беринг. «Қорақалпоқ ёшлари» газетасининг адади 4838 нусха, «Навоий ёшлари» газетаси 3450, «Бухоро ёшлари» газетаси 5772, Жиззахдаги «Камолот» кўзгуси» газетаси 2210, Сирдарёдаги «Давр ёшлари» газетаси 8600, Сурхондарёдаги «Сурхон ёшлари» газетаси 2000, Намангандаги «Камолот» газетаси 4300 нусхада чоп этилмоқда. «Жеткеншек» ва «Тошкент ҳақиқати» газеталарининг обунаси ҳам ҳудудий кенгашлар зиммасига тушган.

«Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Республика «Камалак» болалар ташкилоти раиси Сарвар Ашуров ёшлар ва болалар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш, ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот берди.

Қайд этилишича, айти пайтда «Камалак» болалар ташкилоти ўз атрофида 10-14 ёшли икки миллион нафардан ортиқ ўғил-қизларни бирлаштирган. Мактабларда 68 мингга яқин «Камалак» сардор фаолият юритяпти. Болалар ташкилоти ўтган йилда 20400 яқин тадбир ташкил этди. «Камалак юлдузлари» ва «Камалак билимдонлари» танловлари, «Камалак»дан янги йил», «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар», «Ёзни «Камалак» билан» лойиҳалари, «Сен билан бирга «Камолот» сари» акцияси ташкилотнинг энг йирик лойиҳалари ҳисобланади. Бу каби тадбирларнинг барчасига 1,3 миллионга яқин бола қамраб олинган. Бу рақам 2013 йилга нисбатан 49,1 фоиз ўсган.

Болалар ташкилоти томонидан ёзги таътил давомида оромгоҳларга жалб этилмаган маҳалла ёшлари ва кам таъминланган оила фарзандларининг мароқли дам олиши учун «Ёзни «Камалак» билан», «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳалари доирасида тўғарақлар, кўчма театр ва бошқа турли маданий тадбирлар уюштирилди. Шу орқали 302 минг нафардан ортиқ боланинг мазмунли дам олишига кўмаклашилди. Ёзги таътил давомида 953та оромгоҳда Сардорлар кенгашлари фаолияти йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, «Камолот» ёшлар оромгоҳида 150 нафар «Камалак юлдузлари» болалар ижодиёти фестивали ғолиби, «Камалак» болалар ташкилотининг сардорлари, кам таъминланган оила фарзандлари ҳам дам олди.

Иқтидорли ёшларнинг ижодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш борасида ҳам самарали ишлар олиб борилди. Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 31 октябрдаги қарорига мувофиқ ўтган йилнинг ўзида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган 12,5 минг нафарга яқин талаба-йигит Ҳаракат томонидан моддий қўллаб-қувватланди.

ВА РЕЖАЛАР

Аммо моддий қўллаб-қувватланишга даъвогар фаол талабалар рўйхатини шакллантириш ва тегишли тартибда Марказий Кенгашга тақдим этишда Тошкент шаҳри, Жиззах, Сирдарё вилоятлари кенгашлари томонидан сусткашликка йўл қўйди.

2014 йилда «Юрт келажаги» иқтидорли ёшлар республика танловининг куйи босқичларида олтин миң нафардан ортиқ тенгдошимиз иштирок этди. Андижон, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида танлов тарғиботи муносиб даражада ташкил этилгани боис ёшларнинг лойиҳадаги фаолиги анча ошди. Бироқ Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва Фарғона вилоятида танлов тарғиботи етарли олиб борилмагани ҳам айтиб ўтиш керак.

2014 йилда олий таълим муассасалари талабаларининг иқтидори, илмий салоҳияти ва Ҳаракат фаолиятидаги фаоллигини рағбатлантиришга қаратилган «Камолот» стипендияси» лойиҳаси янада такомиллаштирилди. Хусусан, ҳар бир таълим муассасасидан фақат бир нафар талабага стипендия совриндори бўлиш имконияти берилди. Шу асосда танлов иштирокчилари сони аввалги йилга қараганда юз нафарга кўпайди, голиблар эса 55 нафарни ташкил этди. Бу масалага Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва Бухоро, Қашқадарё, Сирдарё, Хоразм вилоятлари кенгашлари етарли эътибор қаратмагани боис 18та олий таълим муассасасидан стипендияга муносиб номзодлар аниқланмади.

2014 йилдан бошлаб Ҳаракатнинг ҳудудий кенгашлари қошида «Мунозара» тўғрақлари фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур тўғрақларнинг олтин миң нафар координатор ва тренерлари учун ўқув-семинар ташкил этилиб, малакаси оширилди. Айти пайтда тўғрақларга икки миң нафардан ортиқ йигит-қиз жалб этилган.

Ёшларнинг иқтидорини қўллаб-қувватлаш йўналишида 2015 йилда ҳам қатор ишларни амалга ошириш режалаштирилган. «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танловини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ўқишга имтиёз асосида қабул қилинган талабалар учун республика миқёсидаги лойиҳа ташкил этиш, «Талабалар баҳори» фестивалини ўтказиш шулар жумласидан.

2014 йилда Ҳаракат томонидан ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ҳамда экология йўналишларида ҳам муҳим лойиҳалар амалга оширилди. Ушбу йўналишда 6481та спорт тадбирлари ташкил этилиб, уч миллионга яқин ўғил-қиз қамраб олинди.

Шу ўринда Ҳаракат томонидан аънанавий тарзда ўтказиб келинаётган футбол бўйича «Камолот» кубоги», қизлар ўртасида стол теннис бўйича «Камолот» маликаси», бадий гимнастика бўйича «Камолот» гунчалари», шахмат бўйича «Камолот» шахмат тахтаси» ҳамда «Kamolot»-TUR» ёшлар веломарафонининг республика босқичлари йилдан-йилга юқори савияда ташкил этилаётганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Бу борада муайян тизим яратилган. Афсуски, спорт мусобақаларнинг куйи босқичларини ўтказишда Ҳаракатнинг ҳудудий кенгашлари томонидан ҳамон қатор камчиликларга йўл қўйиб келинмоқда. Хусусан, олий таълим муассасалари ўртасидаги футбол бўйича «Камолот» кубоги» мусобақасида Андижон, Наманган, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг айрим жамоалари томонидан лойиҳа низомига зид равишда беллашувга профессионал футболчилар жалб этилган. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўртасида ўтказилаётган мусобақанинг куйи босқичларида эса Қашқадарё (88та), Фарғона (105та) вилоятларидаги аксарият таълим муассасалари иштирок этмаган. Шунингдек, корхона, ташкилот ва муассасалар ўртасида ўтказилган мини-футбол бўйича «Камолот» кубоги» мусобақасининг куйи босқичларида бошланғич ташкилотлар иштирокини таъминлашда Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари кенгашлари томонидан сусткашликка йўл қўйилган. Янада ачинарлиси, «Kamolot»-TUR» ёшлар веломарафонининг маҳаллий босқичлари Андижон, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг айрим туман ва шаҳарларида умуман ўтказилмаган.

Ҳисобот йиғилишида юқоридаги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда 2015 йилда ушбу йўналишдаги тадбирларнинг куйи босқичлари савиясини янада оширишга алоҳида эътибор

қаратилди. Шунингдек, ёшларнинг талаб ва истакларидан келиб чиқиб волейбол бўйича қизлар ўртасида «Камолот» олтин түпи» мусобақаси, олий таълим муассасалари ҳамда корхона, ташкилот ва муассасаларидаги хотин-қизлар ўртасида энгил атлетика бўйича «Баҳор маликалари» мусобақаларини ташкил этиш белгилаб олинди.

Ҳаракат томонидан саломатлик ва экологияга доир бир қатор лойиҳалар амалга оширилиб, 800 миң нафардан ортиқ ёш қамраб олинди. Бу борадаги ишларнинг асосий қисмини «тенгдош-тенгдошга» усули асосида олиб борилган тарғибот тадбирлари, хусусан, мини-сессиялар, семинарлар ташкил этиди. Жумладан, БМТ Тараққиёт Дастури билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ёшлар орасида ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик ва турли хил йўллар орқали юқадиган касалликларнинг олдини олиш», «Ёшлар чекишга қарши!», «Тоza қўллар», «Ёшлар ЭКО ҳаётни танлайди» лойиҳалари ҳамда «Ҳар бир ёшга бир ниҳол», «Яшил патруль» акциялари ўтказилди. Юқоридаги тадбирлар орқали мавзуга доир тарқатма материалларни таълим муассасалари ва маҳаллалар ҳудудларига жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

«Экологик маданият» ойлиги доирасида юртимиз ёшлари кўжаламзорлаштириш ишларида жалб этилиб, 70 миңдан зиёд мевали, 290 миңдан зиёд манзарали дарахт ва 200 миңдан зиёд гул кўчати экишда фаоллик кўрсатди.

Ҳаракат тизимидаги энг муҳим бўғин бошланғич ташкилотлардир. Шу боис ҳисобот даврида, аввало, етакчиларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Режа асосида республикадаги барча туман ва шаҳарларда маҳаллий ўқув-семинарлар ташкил этилиб, бошланғич ташкилот етакчилари ва сардорлари жалб этилди. Ҳаракатнинг Сирдарё, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри кенгаши ушбу масалага етарлича эътибор қаратмагани боис 1,5 миңга яқин етакчи ўқув-семинарларда иштирок этмади.

Ҳудудлардаги намунали бошланғич ташкилотларнинг етакчилари иштирокида ўтказилган форумларда эса Андижон, Наманган, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида намунали етакчиларни танлаш ва уларнинг форумлардаги иштирокини таъминлаш ишлари тўғри ташкил этилмагани сабабли, олтин миң нафар етакчи форумларда қатнашмади. Форумларда қатнашган етакчиларнинг кўпчилиги тайёргарликсиз келгани маълум бўлди. Бундай камчиликлар барча ҳудудларда мавжуд.

Форумларда билдирилган таклифлар асосида Ҳаракатнинг олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги бошланғич ташкилот етакчилари ва сардорларига устама иш ҳақи тўлаш тартиби такомиллаштирилди. Унга кўра, жорий йилдан бошлаб олий таълим муассасасидаги бошланғич ташкилот етакчилари энг кам иш ҳақининг уч баравари, факультет сардорлари бир баравари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги бошланғич ташкилот етакчилари икки баравари миқдорда устама иш ҳақи олиши белгиланди. Ушбу масала Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларининг айрим туман ва шаҳарларида ўрганилганда, устама иш ҳақи етакчиларга асоссиз тўланаётгани аниқланди.

Ҳаракатнинг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилот етакчиси лавозимига номзодларни саралаш тартиби ҳам такомиллаштирилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Васийлик Кенгашининг 2014 йил 23 октябрдаги мажлис баёни асосида ўрнатилган янги тартибга кўра, етакчиликка номзодлар уч босқичда, яъни Кўмак гуруҳи, Ҳаракатнинг ҳудудий Васийлик Кенгаши ва Республика ишчи гуруҳи томонидан ўрганилади. Номзоди ўтган ёшлар ҳудуддаги раҳбар кадрлар захирасига киритилиши белгиланди. Бу эса бошланғич ташкилот ва унинг етакчисига қаратилган юксак ишонч ва эътибордан далолат беради.

Ҳисобот йиғилишида «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Ўткир Шукуровнинг кадрлар масаласига оид маърузаси тингланди.

Таъкидланишича, Ҳаракатнинг 2014 йил учун белгиланган иш режаси ва дастурий соҳалар асосида бир қатор ишлар амалга оширилиб, 2013 йилнинг ушбу даврига нисбатан юқори кўрсаткичларга эришилди. Жумладан, Ҳаракат тизимида фаолият кўрсатаётган масъул ходимлар таркиби таҳлил қилиб чиқилганда, олий маълумотга эга бўлган ходимлар 2014 йилда 62,4 фоизга (тўрт нафарга), ўрта-мах-

сус маълумотга эга бўлганлар эса 37,5 фоизга (олти нафарга кам) етгани ўрта маълумотли ходимлар сони тизимда қолмагани аниқланди. Вилоятлар кесимида оладиган бўлса, Жиззах, Андижон, Қашқадарё вилоятларида олий маълумотга эга ходимлар сони ортганини кўриш мумкин. Самарқанд ва Фарғонада эса аксинча, ўрта-махсус маълумотли ходимлар сони кўпайган.

Ёшлар ташкилоти фаолиятини самарали йўлга қўйишда кадрлар муҳим аҳамият касб этади. Бироқ 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ҳаракат тизимидаги барча ҳудудий кенгашларда қирқ тўртта вакант ўрин борлиги аниқланди.

Ҳар йили Ҳаракат тизимидаги кадрлар малакасини ошириб бориш учун мунтазам ўқув-семинарлар ташкил этиб келинмоқда. 2014 йилда тўққизта ана шундай ўқувлар ташкил этилиб, унда 445 нафар раҳбар ва масъул ходим малакасини оширди.

Ўтган йили илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академиясида «Камолот» ЁИХ тизимидаги ходимлар учун тўрт ойлик бошқарув кадрларни қайта тайёрлаш курслари ташкил этилди. Шу орқали йилда икки мавсумда Ҳаракат тизимидаги ходимларнинг малакасини ошириш тизими йўлга қўйилди.

Йиғилишда йиллик ҳисоботлар таҳлил қилинганда Ҳаракатнинг айрим кенгашлари томонидан бошланғич ташкилотлар, кадрларнинг маълумотномалари, аъзолик анкеталари, ҳудудий кенгашлар томонидан тақдим этилган йиллик ҳисоботлар белгиланган тартибда тўлиқ топширилмагани қайд этилди. Фаолиятга давомли сусткашликка йўл қўётган айрим ҳудудий кенгашларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилган ишлар ҳақида «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Дилшод Қулматов ахбороти тингланди.

Қайд этилишича, 2014 йилда Ёш тадбиркор — юртга мадақкор лойиҳаси доирасида икки миң нафарга яқин ўғил-қизнинг тадбиркорлик соҳасида билим ва тажрибалари оширилган бўлса, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Менинг бизнес ғоям» танловида 112 нафар ёшга 1,5 миллиард сўм миқдорда тижорат банкларидан кредит олиш учун тавсияномалар, 28 нафар танлов голибига 312,5 миллион сўм миқдорда имтиёзли фоизларда кредит олиш ҳуқуқини берувчи диплом берилди.

Ҳаракат қошидаги тўртта Ёшлар маркази ва 96та «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказидаги 318 тўғрак ва ўқув курсида 57 миң ўғил-қиз турли касб-хунар бўйича бепул ўқитилди.

Ўтган йили мактаб битирувчиларини республикамиздаги академик лицей ва касб-хунар коллежларидаги мутахассислик ва йўналишлар билан таништирган ҳолда касб танлашларида кўмаклашиш ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш мақсадида ўтказиб келинаётган «Мутахассислик — сенинг келажагинг» кўргазмасига 295 миң 115 нафар мактаб ўқувчилари жалб этилган. Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган «Таълим ва мутахассислик» халқаро кўргазмасида эса ўттиз миң нафардан ортиқ касб-хунар коллеж ўқувчилари республикамиздаги йирик корхона ва ташкилотлар ҳамда Тошкент шаҳридаги бандликка кўмаклашиш марказларида мавжуд бўш иш ўринлари билан танишди.

Ҳудудларда «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам» шиори остида ёш тадбиркор, фермер ва хунармандлар томонидан яратилаётган махсулотлар кўргазмаларида 730 нафар ёш тадбиркор ва хунарманд ўз махсулотлари билан қатнашди.

2014 йили Ҳаракат томонидан эришилган ютуқлардан яна бири Термиз шаҳрида битта, Фарғона шаҳрида иккита йирик Ёшлар марказларининг қурилиш ва жиҳозлаш ишлари якунланиб ишга туширилгани бўлди. Термиз шаҳридаги Ёшлар марказининг 400 ўринли залида Ўзбекистонда ягона бўлган йирик 3D кинотеатри ташкил этилди. Жорий йилда Нукус ва Урганч шаҳарларида ҳам Ёшлар маркази фойдаланишга топширилиши белгиланган.

Кун тартибига қўйилган масалалар кўриб чиқилгач, Ҳаракатнинг 2015 йилга мўлжалланган иш режаси таништирилиб, муҳокама этилди. Билдирилган фикр-мулоҳазалар инobatга олиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

МУХБИРИМИЗ

Ўзбекистонлик профессор нуфузли мукофот соҳиб

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия институтига кўп йиллардан буён раҳбарлик қилиб келаётган Шухрат Эгамбердиевнинг Куёш физикаси, астроклим ҳамда астрономия тарихига доир тадқиқотларини жаҳон илмий жамоатчилиги юқори баҳолаган. Олим ўн беш йил давомида Куёшнинг акустик тебранишларини тадқиқ этишга бағишланган халқаро IRIS (International Research on the Interior of the Sun) дастурида фаол қатнашди. Франциянинг Ницца университети шафёлигида амалга оширилган мазкур глобал илмий лойиҳа доирасида биринчи бор Куёш фаоллигининг тўлиқ цикли, яъни ўн йилдан кўп вақт мобайнида бу осмон жисмида содир бўлувчи сейсмик ўзгаришлар ўрганилди.

Бундай ноёб маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил этиш ишлари айнан ҳамюртимиз Шухрат Эгамбердиев раҳбарлигида бажарилди. У ўз гуруҳи билан фаолият олиб борган Кумбель чўққисидagi тадқиқот станциясини IRIS тармоғидаги энг илгор станция даражасига чиқара олди. Ваҳоланки, лойиҳа давомида тўпланган бой илмий материалнинг қарийб ярмини мазкур объект етказиб берган.

1995 йилда Шухрат Эгамбердиев Астрономия институтидан бир гуруҳ ҳамкасблари билан бирга гелиосейсмологияга доир TON (Taiwan Oscillation Network) халқаро лойиҳасида ҳам иштирок этди. Бунда олимларимиз Куёш атмосферасидаги локал акустик тебранишларни кузатиб, Куёш физикасига доир муҳим маълумотлар олишга муваффақ бўлди. Лойиҳа натижасида куёш доғларининг чуқурлигини ўлчаш имконини берувчи мутлақо янги акустик томография методи ишлаб чиқилди.

Профессор Шухрат Эгамбердиев астрономия тарихини, айниқса, буюк алломаларимиз қолдирган астрономияга оид бебаҳо илмий меросни ўрганиш, шунингдек, республикамизда ушбу фанни оммалаштириш бўйича ҳам салмоқли саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. Хусусан, жонкуяр олим ташаббуси билан юртимизда олий таълим муассасалари учун ўқув-илмий обсерваториялари тармоғи яратилди. Ўқув обсерваториялари ёш авлоднинг коинот ҳақидаги тасавурларини бойитиш, астрономия йўналишида таълим олаётган талабалар учун амалий машғулотларни сифатли ташкил этишга шароит яратади.

Айти вақтда Шухрат Эгамбердиев Халқаро астрономия уюшмаси, Европа-Осиё астрономик жамияти аъзоси. Турли йилларда Осиё фанлар академиялари ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Бош илмий котиби лавозимларида ишлаган.

Шу кунга қадар олим ўн нафар фан доктори ҳамда фан номзодини тарбиялади. 25дан ортиқ магистрлик диссертацияларига раҳбарлик қилди.

Наргиза БАҲОДИРОВА

Энгилмас кўч мамбаш

Рустам Назарматов олган сурат.



Суйима ФАНИЕВА,
“Эл-юрт хурмати”
ва “Буюк хизмат-лари учун”
орденлари,
Беруний номида-ги давлат муко-фоти соҳибаси:

— Истиклолгача бўлган даврда Алишер Навоий ижодини ўрганишга нисбатан тор маънода ёки ҳукмрон мафкура нуқтаи назаридан ёндашилгани маълум. Шоир асарларининг нотўғри талқинлари, тадқиқотларда ижодий фаолиятдан кўра ихтиомий ва сиёсий ишларига ургу берилгани халқимизнинг бу бехаё маънавий меросдан зоҳр вақт бехаёра қолишига сабаб бўлди. Мустиқиллик шарофати билан аллома ижодкорнинг асарлари кенг миқёсда ўрганила бошланди, ҳазрат Навоий ҳақидаги кўпгина ҳақиқатлар рўёбога чиқди. Неча йиллардан бери изланиб келинаётган Навоийнинг дастхати 1991 йилда истиклол билан бирга юртимизга, ҳаётимизга кириб келиши ҳам ўзига хос рамзий маъно касб этади. Шоир асарларидаги диний, тасаввуфий мавзулар ва бадийий маҳоратга оид масалалар ҳар томонлама тадқиқ этила бошланди.

Эндиликда ёш навоийшунос олимларни тарбиялашга эътибор қаратишмас лозим. Улар мумтоз адабиётимизнинг шох асарларини ўқий олсин. Унинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаб етиб, очиб берсин. Лекин афсуски, талабаларга шoir ижоди ҳақида чуқур билим берадиган мутахассислар кам. Навоийни бугунги кун билан ҳамнафасликда ўрганиш оқсамоқда. Буюк мутафаккирининг бизга қолдирган маънавий хазинасида ҳаётнинг ҳар бир даврига изоҳлар берилган. Асарлар ичига аширинган олам-олам зиёни ёшларга улашмоғимиз лозим.

Алишер Навоий ёшликни умр гулшанининг баҳори деб атаган. Ёшлар мана шу паллада келажакнинг пой-деворини мустаҳкамлаши, илм ёки ҳунарни пухта эгаллаши лозимлигини таъкидлайди.

“Махбуб ул-кулуб” асарига подшолардан тортиб, шоирлар, деҳқонлар, мудarrisлар, лашкарлар, умуман, барча касб эгалари ҳақида тўлиқ маълумотлар келтирилган. “Хамса”нинг ҳар бир достонида ёшлар, фарзанд тарбияси ҳақида маълумотлар битилган. “Фарҳод ва Ширин”да болага исм қўйиш муҳим ва масъулиятли иш эканлиги айтилса, “Садди Искандарий”да шундай байтларни ўқиймиз:

**Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи гурбат ҳавас айлама.**

Навоийнинг бу фикри ўз замонаси учунгина айтилган эмас. Шоир авлодларни огоҳ бўлишга, Ватан — муқаддас, уни тарқ этишни ўйлашмасликка даъват этади.

Хозирги кунда, айрим ёшлар учун Ватанини тарқ этиш “эзгу орзу”га айланиб бораётган бир пайтда доғишманд бобомизнинг ушбу васияти гоят қимматлидир. Навоий Ватан ягона эканини, унга муҳаббат азизлигини таъкидлаб, ҳадисда айтилганидек, Ватанини севмоқ иймондан-дир деган ғояни илгари суради.

Мана шу ғоялар моҳиятини тушуниб, уни ёшлар он-гига синдиришга қодир кадрларни етиштириб чиқаришимиз керак. Илм — заҳмат, машаққат олами. Лекин бу йўлдан юрган инсон ҳеч қачон ранж топмагай. Тўғри, Навоийни англаш қийин, унинг тили мураккаб. Мен ҳали-ҳануз шоир асарларини ўқишда лугатга қарайман. Шунинг учун унинг лугатларини кўпроқ чоп этиш лозим. Ёшлар уни олсин, ўргансин, шу билан буюк сиймонинг илм дурдонасидан баҳраманд бўлсин.

Яратилаётган баъзи илмий асарларда хатолар учра-япти. Бу нимадан келиб чиқади, асар мазмуну тўла ан-ланмаганидан албатта. Хатолар ҳамма даврларда ҳам бўлади. Уни вақтида тўғрилаш, тузатиш керак. Лекин не-гадир ҳамон тузатишляпти. Заҳириддин Мухаммад Бо-бур “Аруз” деган рисоласида бир шоирнинг байтини кел-тириб, шундай деган эди: «Кимки хато топса, англаса, уни тузатса, у хирандманд, яъни ақл эгаси бўлади». Асарларда учрайдиган хатоларни навоийшунос олим-лар ҳамкорликда, ҳамфикр бўлиб тўғрилаши лозим.

Шу ўринда сизларни хурсанд қиладиган бир ха-барни айтмоқчиман. Навоий биографияси ёзил-ган Хондамирнинг “Мақоримул-ахлоқ” асарин-нинг тўлиқ нашри чоп этиляпти. Шу кунларда китобхонлар эътиборига ҳавола қилинади. Му-тафаккирининг ижодини ўрганиш ва ҳис қилишга барчамиз эҳти-ёжмандмиз, демак, бундай хайр-ли ишларни келажакда яна кат-та ҳафсага билан давом эттири-шимиз зарур.

— Миллатни миллат, давлатни дав-лат мақомига кўтарадиган асос ва омилларнинг асосийси илм-фан, мада-нийят, маънавият ва дин эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Худди шунинг учун ҳам ҳар жабҳада кучли давлат ва сергай-рат миллат ҳаётини адабиётдан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмаганидек, адабиёт тақдири ва равнақини ҳам халқ, давлат манфаатидан йироқ бир ҳодиса дейиш мумкин эмас.

Шоирнинг бадийий ва илмий ижоди-да “фирдавсонанд” Самарқанд ёш шо-ирнинг наинки фикр, туйғу, мушоҳада ҳаёти, балки ижодий салоҳиятининг мукаммаллашуви ҳам алоҳида таъсир ўтказган эди. Мураккаб бир давр, зид-диятчи замон воқеа-ҳодисаларига тўғри назар ташлашда ҳам, илм ва маъ-рифат куч-қувватига ишончининг ўсиши ҳамда адабиётнинг жаҳоний баландлик-ларга олиб чиқиш сир-асрорини яна-да теран ўзлаштиришда ҳам Самарқанд илмий-адабий ва маданий муҳити На-воийга яқиндан ёрдам кўрсатган.

Амир Темурнинг ҳажонгирлигига, Мирзо Улуғбекнинг маърифатпарвар-лиги ва Хожа Аҳрор Валининг кашфу қароматларига эшик очган Самарқанд-да ўтган ҳаёт, илм ва ирфон дарғала-ридан олинган таҳсил, маданий-маъри-фий мулоқотлар Навоийни илму дониш, одил сиёсат, иқтисодий маъмуричилик-ка асосланган буюк давлатчилик таж-рибалари хусусида ўйлаш ҳам йўлбаб турганки, уша фикр-мулоҳаза ва ҳуло-саларнинг маълум бир қисми кейинча-лик даҳо шоирнинг асарлари, хусусан,



Иброҳим ҲАҚҚУЛ,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси Алишер
Навоий номидаги Тил ва
адабиёт институти бўлим
мудир, филология фанлари
доктори:

“Хамса” дostonларидан ўрин олган. Кўп яхши-ёмон, нурили ва нурсиз воқеа-ҳодисотларни кўриб, бошдан кечирган Самарқандда ижод изтироби ва эҳти-роси кучли шоирни тарихий мушоҳа-дага илҳомлантириб, кўнгилда музаф-фар мозий соғинчини уйғотувчи сир-лай рух, самовий шуқуқ мавжуддирки, Навоийнинг кўҳна Самарқандда маънан яйраб, қалбини илмий-ижодий ниятлар билан қувватлантириб яшаганининг асосий сабабларидан бири ҳам ана шу.

Кейинги йилларида Навоий ижоди-нинг қайта тикланиши, навоийшунослик бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида гапирар эканмиз, у ҳақда тугал бир фикр-ни тўла ишонч билан айтиш мумкин. Яъни навоийшунослик янги ўзанини топди, илгари тақиқланган мавзулар тад-қиқ қилин бойди. Навоийни асл На-воийдан йироқлаштирувчи илмий ишлар, хусусан, шўро замонида кўп ёзилган. Бу-

нинг туб сабаби ва асосларини шартли равишда мана шундай таснифлаштириш мумкин: 1. Сиёсат ва мафкура талаби ту-файли тўқилган ёлгон ҳамда гайриилмий мулоҳазалар. 2. Тарих, дин ва тасаввуф-ни ва эски фалсафани билишни иста-масликдан юзга чиккан ўйирмалар. 3. Дид, савия ва дунёқарашнинг паст, а-ёзигидан тузилган тамалсиз ғоялар. 4. Ўзига ўзи ҳисоб бермаслик, яъни омиё-на ўзбошимчаликка берилиш маҳсули ўлароқ илгари сурилган бўхтон гаплар. Бу тасниф ўзини балки тўла оқлама-с. Бироқ навоийшунослик тарихи пухта тек-ширилса, улардан ҳеч қайсисини бутун-лай рад қилиб бўлмаслик, ўз-ўзидан равшанлашди. Навоийни ўрганиш масъулияти эса йўл қўйилган хатони ўз номи билан аташ ва ундан кўз юм-маслик зарурлигини асло истисно қилмай-ди.

Буюк санъаткор ижодиётига сиё-

Буюк мутафаккир фикрича, фарзанд тарбияси учун фақатгина ота-она эмас, балки бутун жа-мият масъул бўлмоғи лозим:

**Қачонки, валад бўлса одам санга,
Бас аҳфод эрур ўзгалар ҳам санга.**

Улуғ шоир ёшларнинг тарбиясига лоқайд бўлмасликка қақиради. Юқоридagi мисралар мо-ҳиятига эътибор берсак, унда балоғатга етаётган, онги шаклланаётган ёшларнинг даврга хос икки ҳолати аниқ ва равшан ифодаланиб, маънавий тарбиянинг инсон дунёқараш шаклланишидаги муҳим аҳамияти баён этилган. Айни шу даврда ёшларни илм олиши, касб-хунар ўргатиш билан банд этиш ҳақидаги ўғитлари бутун давлатимиз амалга ошираётган таълим-тарбия соҳасидаги ис-лохотларнинг нақадар ҳаётий эканлигига, буюк му-тафаккиримиз орзу қилган баркамол авлод айни бугунги кун ёшлари эканлигига амин бўласан.

Навоий ўз асарларида ёшларга фурсатни гани-мат билиб, илм-фан чўққиларини эгаллашга, касб-хунар ўрганишга даъват этади:

**Камол эт касбким, олам уйидин,
Сенга фарз ўлмагай гамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамон ўтмак бийниҳ,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.**

Улуғ шоир асарларида кўплат ватанпарвар об-разларни яратишга алоҳида эътибор қаратган

бўлиб, Искандар, Фарҳод, Ширин каби тимсол-ларда баркамоллик, билимдонлик, жасурлик каби фазилатларни илгари сурган.

Бугун биз Алишер Навоий орзу қилган, ўз асар-ларида таранум этган осоишша ҳаёт, обод тур-муш, юксак маънавият ва тараққиётдан баҳраманд-миз. Мамлакатимиз фарзандлари Алишер Навоий асарларидаги қаҳрамонлар каби юрт равнақи ва ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. “Садди Искан-дарий” дostonида Искандарнинг отаси қолдирган “мулкимга бегонани қўймагил!” деган кўрсатмасига бутун умр содик бўлиши ҳақидаги мисралари дав-латимиз раҳбарининг “мустиқил бўлай десанг, му-стақил бўл!” деган чуқур мазмунга эга шиори би-лан ҳамохангдек гуё. Замонамиз Искандарлари юр-тимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, қарам-ликнинг турли шаклларида халқимиз, давлатимиз-нинг ҳимояси йўлида тинимсиз меҳнат ва матонат кўрсатмоқда. Улуғ бобокалонимиз орзу қилган Фар-ҳодларни бугун юртимиз ёшлари иштиракида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари-да, илм-фан, спорт, санъат соҳаларида қўлга ки-ритаётган муваффақиятларида кўраимиз.

Биз шоиримиз тарғиб этган ғояларни ўрганар эканмиз, ҳар гал Навоийнинг буюк мутафаккир эканлигига, инсон ва унинг жа-миятдаги ўрни, дўстлик, тинчлик, садоқат, қаноат, мардлик ҳақида-да фикрлари қанчалик теран фалсафий мушоҳада билан айтилганидан ҳайратланамиз. Юртбошимиз “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарига Наво-ийни “авлиёларнинг авлиёси” деб таърифлайди-

Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадийий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намоён-даси, миллатимизнинг гурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва этиқод билан қарамаса.

Ислом КАРИМОВ



Ваҳоб РАҲМОНОВ,
филология фанлари номзоди,
доцент:

кир бобомиз асарларининг асоси ҳамда моҳиятини ташкил қилади. На-воийга кўра, комиллик сип-силлик, ба-ландпарвоз ёхуд китобий гапларни ай-тиш ва тақрорлаш эмас, балки ўзинг-даги ноқислик, кўзга ташланавермай-диган камчиликларни сабот билан бартараф этиб боришдир. Унингча, комил киши, албатта, «ўз нуқсин ис-бот айлағай». Навоийнинг комиллик ҳақидаги фикр ва тушунчалари, асо-сан, тўрт устувор асос — ахлоқ гўзал-лиги, қалб поклиги, руҳоният юксакли-ги ва тафаккур балоғатига таянади. Навоий даҳосининг туб замини ва бе-шиги туркий тил, туркий тафаккур, тур-кий адабиёт эрур.

Айни кунларда Алишер Навоий но-мидаги Тил ва адабиёт институти му-тахассислари билан икки жилдик «На-воий қомуси»ни яратиш йўлида қизгин иш олиб бораётимиз. Даврий нашр-ларда асарнинг тайёр бўлган маъ-лум қисмларидан мақолалар чоп этилмоқда. Бу асар мутафаккир-нинг бутун бир ҳаёти, таржimai ҳоли, устозлари, ўша давр икти-моий-сиёсий ҳаёти, ижодиёти, санъат ва мусика ривожига қўшган ҳиссаси ҳамда ундан кейин туркий адабиётда На-воий аъёнасининг пайдо бўлиши, ривожланиши ҳа-қидаги маълумотларни жамлайди.



Шухрат СИРОЖИДИНОВ,
филология фанлари доктори,
профессор:

лар. Дарҳақиқат, Навоийда ҳақиқий авлиёларга хос поқдомонлик, камсуқумлик ва тақводорлик, теран фалсафий мушоҳада, энг асосийси, у ўзининг бу дунёдаги улкан илоҳий вазифаси — юксак инсо-ний қадриятларни қўйлаш, эзгуликни тарғиб этиш, халқларни тинчликка қақуриш ҳамда баркамол ав-лод ғояларига бутун ҳаётини бағишлади.

**Эмас осон бу майдон
Низомий панжасига
Керак шер олдига ҳам
Агар шер ўлмаса,
ичра турмоқ,
панжа урмоқ...
шери жанги,
бори паланги.**

Демак, Низомийдек шоир билан бахслашиш — “Хамса” ёзиш учун шер-га, ҳеч бўлмаганда, йўлбарсга тенг куч топиш керак, дейди Навоий. Бу куч шо-ирнинг идрокки, тафаккури, тил бойли-ги ва албатта, катта истеъдоди эди.



Ваҳоб РАҲМОНОВ,
филология фанлари номзоди,
доцент:

— Башариятнинг қувончу қайғуси, инсо-нийлик моҳияти, барча ишларда эзгу ният, эзгу амал ва эзгу каломни асос қилиб олиш, маънавий камолот сари интилиш ҳақида умрбоқий асарлар яратган Алишер Навоий ўзбек мумтоз адабиётининг тамал тошини қўйди, оламда туркий тил ва туркий адаби-ётнинг ўзига муносиб мавқега эга эканли-гини амалий жиҳатдан исботлаб берди.

Бу мутафаккир зот меросини ўрганиш ва ўргатиш масъулиятли, машаққатли иш бўлса-да, ҳоҳ у адабиётшунос бўладимиз, хоҳ бошқа касб эгаси, барча унинг ижодини яхши билиши, тўла англай олиши лозим. Хозирда навоийшунослар олдига қўйилган асосий вазифалардан бири ҳам халқимизни навоийхон қилишдир. XX асрда бу жабҳа-даги ҳаракатлар ижобий самара берди дея олмаймиз. “Хамса”, “Лисонут-тайр”, “Мах-бубул-кулуб” ва “Муҳокаматул-лугатайн” асарлари таъдил этилди ҳолос. Бу таъдил-ларнинг дастлабки олтигаси дostonларнинг насрий баёнлари бўлиб, улар қисқартирил-ган, мазмунан ҳам юқори савиёда ишлан-маганди. Таъдилчиликда байтни гагга ай-лантириш йўлидан бормаслик керак. Дос-тонни дoston тарзида таъдиллаштирмақ, яъни бадийий таржима усулини танламоқ лозим. Ушандагина асар ўзининг бадийий гўзаллигини сақлаб қолади.

Агар “Хамса” ва “Лисонут-тайр” асарла-ри дoston тарзида шеърый таъдиллашти-рилса, аслиятнинг бадийий воситаларини сақлаб қолиш имконияти бўлади. XXI аср-да навоийшунос олимлар асосий диққати-ни шунга қаратмоғи даркор. Акс ҳолда, Навоий асарларининг моҳияти тўлиқ очил-май, шоир айтмоқчи бўлган фикрни халқ-миз қалбна ҳис қилолмаслиги мумкин. Шу-нингдек, мутафаккирининг айрим газаллари ва деярли барча қиъталарини таъдил қилмоқ даркор. Шунда шоир ифодаланмоқ-чи бўлган фикрни китобхон тўла англаб ета-ди. Буни аниқ тасаввур этиш учун бир ми-

сол келтириб, газетхонни аслият ва таъдил усулида мулоҳаза юриштишга қорлайман.

Сўзга қулоқ солмоғу оғиз очсамоқ,
Гавхарини териб, ўз гавхарини **очсамоқ,**
Гавхарини териб, ўз гавхарини **очсамоқ,**

*Қулоқда асра гаронмоя сўзюно фикр эт
Ки дурсиз ўлса, не бўлгусидур садаф ҳоли?
Сўзюно дағи кўнгул ичра асроқалким, ҳайф,
Ким ўйла дуржини гўҳардин этгайсен холи.
Бу дуржу икки садафни тўла дур этганга,
Зиҳи улувви гўҳар, балки гавҳари олий!*

ТАБДИЛ

Сўзга қулоқ солмоғу оғиз очмаслик, гав-харини териб, ўз гавхарини сочмаслик ҳақида

*Кимматли сўзларни қулоқда асра,
Гавхарисин не кечар чиганок ҳоли?
Сўзюно кўнглишда қақайлади, ҳайфдир
Гавҳардан кутини қоқибормоқ холи.
Қулоқ кутларини кимки гавҳарга
Тўлдирса, қанд урсин! Бўласин ҳалоли!*

Аслиятдаги 14та қийин сўз китобхонни чўчитади, мавҳумдай туюлади. Уйлайлик: киши матнларнинг қайси бирини тушуна-ди, қайси нусха оммабоп? Таъдилда На-воий ижоди кўп нарса йўқотдимми? Демак, шеърлар таъдиллини ҳам ўйлаб кўрсак, фойдадан холи бўлмас.

Тўғри, Навоий асарлари таҳлилга ба-ғишланган салмоқли ишлар амалга оши-рилмоқда. Айниқса, бу соҳага ёшларнинг, хусусан, аёлларнинг дадил кириб келаёт-гани қувончли ҳодиса. Навоийшунослик-да эришилган ютуқларни эътироф этган ҳолда, таъкидлаш кераки, бу борада хали ечимини кутаётган илмий муаммолар оз эмас. Шулардан бири шоир асарлари нашрининг матн савиясини тақомиллаш-тириш ҳанузгача долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда. Алишер Навоий тўла асар-лар тўламининг 6-, 7-томларига кўз таш-ласангиз, кўплат хатоларга дуч келасиз. Шундай камчиликлардан бири Навоий асарларининг ўн томлигида Афлотун ва Аристотел, Фирдавсий ва Заҳир Форёбий бир киши сифатида талқин этилган. Бун-дай нотўғри талқинларга эътиборсиз қара-ш, кўз юмиш келажакда кўплат хато-ларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам навоийшунослардан шоир асарлари нашрига масъулият билан жид-дий ёндашиш талаб этилади.

Сўз навоийшунослик ҳақида бўладими ёки мумтоз адабиётнинг бошқа жабҳала-ри хусусидами, бундан қатъи назар, масаланинг моҳияти-ни англаш, матнни идрок этиш, матн талқини ва таҳлили масалаларига бориб та-қалавереди. Ҳали бу борада қиладиган ишларимиз талайгина.



Каромат МУЛЛАХУЖАЕВА,
филология фанлари номзоди:

— Алишер Навоийнинг туркий халқ-лар маънавий хазинасига қўшган ҳис-саси бекиёс.

Навоийнинг умри сўз хизматида кеч-ди. Шоир туркий тилни олий мақомга олиб чиқди. “Лисонут-тайр” дostonида-ги бир фахрия-байтида:

**Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айлардан ул мамлакатни яққалам,
— деб ёзган эди.**

Байтда “яққалам” сўзи кенг маъно-да қўлланилган. Унинг битта маъноси-ни бир тилда — бир мезъёрда ёзиш, деб тушунадиган бўлсак, Навоий ўзбек ада-бий тилининг асосчиси деган фикрнинг ҳақиқатга қанчалар яқинлигини кўри-шимиз мумкин.

“Муҳокаматул-лугатайн” асарига

форсий ва туркий тилларни қиёслаб, ҳар бир тилининг поэтик имкониятлари-ни гўзал мисоллар ёрдамда тушунти-рар экан, туркий тилдаги шеърятнинг, бу тилда ижод қиладиган хуштаъб шо-ирлар пайдо бўлганига ишора қилади.

Темур Кўрагон замонидан унинг фарзанди Шоҳрух Султон замонининг охиригача туркий тилда ёзадиган — Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Атоий, Му-қимий, Яқиний, Амриий ва Гадоий каби шоирлар пайдо бўлди, — дейди Наво-ий, — лекин Мавлоно Лутфийдин ўзга забардаст форсигўй шоирларга тенг келадиган киши пайдо бўлмади.

Демак, Навоий Лутфийдин “маликул-ка-лом” (“Махолусун-нафоис” да), яъни сўз султони(эгаси) деб бежиз баҳоламаган.

Навоийнинг туркий тил ривожига қўшган ҳиссасини, аввало, унинг асар-

лари мисолида кўриш мумкин. Лирик турнинг ўн олти жанри — газалдан фардгача, “Хамса” дostonлари, адаби-ётшунослик, тилшунослик, тарих, фал-сафа ва бошқа соҳаларга оид илмий-насрий асарлари шоирнинг бу соҳада-ги хизматларини намоён этиб туриб-ди. Улардаги тўқмағиз фикрларнинг ба-дийий мукамал тарзда етказиб бери-лиши нафақат туркий тилининг буюкли-гини исботлайди, балки Шарқ адаби-ётига, умуман, дунё адабиётига катта ҳисса бўлиб қўйилади. Навоий шахси билан боғлиқ бўлган адабий ҳодисалар дунё адабиётда жуда кам топилади. Шу маънода Навоийдан кейинги тур-кий адабиёт гуллаб-яшнашидаги Наво-ий ҳиссасини ҳеч кимнинг фаолиятга тенглаштириб бўлмайди.

Яратган ҳар бир асарини Навоий сўзи-

нинг қудратидир. Шоир сўз майдонида курашди. “Фарҳод ва Ширин” дostonи-да машҳур камсанавис Низомийни мадҳ этар экан, шундай дейди:

**Эмас осон бу майдон
Низомий панжасига
Керак шер олдига ҳам
Агар шер ўлмаса,
ичра турмоқ,
панжа урмоқ...
шери жанги,
бори паланги.**

Демак, Низомийдек шоир билан бахслашиш — “Хамса” ёзиш учун шер-га, ҳеч бўлмаганда, йўлбарсга тенг куч топиш керак, дейди Навоий. Бу куч шо-ирнинг идрокки, тафаккури, тил бойли-ги ва албатта, катта истеъдоди эди.

“Хамса”нинг ҳар бир дostonида Навоий бир ёки икки бобни сўзни мадҳ этишга бағишлайди. Бу мадҳлар аввалида сўзнинг инсонга берилган илоҳий нъзъмат экани таъкидланади, жумладан:

**Тенгрики, инсонни қилиб
Сўз била ҳайвондин
ганжи роз,
анга имтиёс.**

Байт мазмуни: Тангри инсонни сирлар хазинаси қилиб яратди, унга сўзни инъом этиб, ҳайвондан (бошқа тирик махлуқлардан) ортиқ — баланд қилиб яратди.

Агар Навоийнинг “Хамса” дostonла-

рида сўз мадҳ этилган бобларнинг ўзи алоҳида, муайян системага солиб ўрга-нилса, Навоийнинг адабий-эстетик қарашлари яққол намоён бўлади. Ҳар бир давр навоийшунослик олдига янги-янги масалаларни қўяди. Бугун ечимини кутаётган масалалар менинг назаримда, китобхонни Навоийга яқинлаш-тиришдир, уни бутун мукамаллиги билан тушуниш йўлига олиб чиқиш, шоир шахси ва ижоди ҳақида илмий жиҳат-дан асосланган фикрларни тақдим этишдир.

Фикр-мулоҳазаларни «Turkiston» муҳбири Назокат ҚУРБОННИЁЗОВА ёзиб олди.

ТАБИАТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ОМИЛИ

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Тадбирда табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини амалга ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид амалдаги қонунчилик, шунингдек, экологик сертификатлаштириш ва стандартлаштиришнинг давлат тизими билан боғлиқ масалалар муҳофиза қилинди. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрдаги “Экологик назорат тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги қарори, давлат экспертизаси тўғрисидаги низомнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти хусусида сўз юритилди.

Табиатни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожлантириш масалалари жамият ҳаётий фаолияти билан яқин бўлиб, тўғридан-тўғри иқтисодий тармоғининг ривожланишига



боғлиқ. Экология ва иқтисодий соҳаларининг узвий интеграцияси тадбиркорлик субъектлари ва давлат ташкилотлари ҳамда ваколатли органлар ўртасида ўзаро самарали ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Президентимизнинг 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилги

иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада мақбул шароитларни яратиш — ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг муҳим чора-тадбирлари

бўлиб хизмат қилади.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тадбиркорлик муҳитидаги мониторинг натижалари экологик хавфсизлик борасида талаб этиладиган меъёрлар тўғрисидаги хабардорлик даражасининг паст эканини кўрсатмоқда. Бизнес соҳаси вакиллари экологик сертификатлаштириш, стандартлаштириш ҳамда меъёрлаштиришнинг асосий қоидалари, экологик менежментни татбиқ этишга йўналтирилган экологик аудит ҳамда ташкилий-иқтисодий воситалар тўғрисида етарли даражадаги ахборотга эга эмас. Тадбиркорларни Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган мавжуд имтиёзли тизимдан бохабар этиш муҳим аҳамият касб этади.

Семинарда таъкидланганидек, давлат экологик экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби, маҳсулот таннархини камайтиришга қўмаклашувчи омиллар, шу-

нингдек, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган давлат сиёсатининг бир қисми сифатида саноатга кам чиқитли ва экологик хавфсиз технологияларни жорий этиш масалалари билан тадбиркорлик субъектларини таништириш очик мулоқот тарзида ўтказилган семинарнинг йўналишларидан бири бўлди. Муҳофизатчи давомиди иштирокчилар табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини келгусида такомиллаштириш бўйича таклифларини билдирди. Тадбирда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланишда рухсат бериш тартиб-таомиллари, шунингдек, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш учун рухсатнома олиш ва қўмита тизимида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатишнинг “Ягона ойна” тамойили асосида амалга оширилиши юзасидан зарур маълумотлар берилди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
“Turkiston” мухбири

Гиёҳвандлик бугунги кунда ҳаётимизга хавф солаётган иллатлардан биридир. Дунё бўйича уни бартараф этишга ҳаракат қилинган. Бу иллат кишиларни ўтган аср бошларидан бери ўз домига тортиб келяпти. Албатта, инсоният бу офат қаршисида қўл қовуштириб тургани йўқ.

ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИ ҚУРАШАМИЗ

Кўрилаётган қатъий чораларга қарамадан, гиёҳванд моддаларни ноқонуний олиб ўтиш, сотиш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ масалалар ҳамон долзарблигича қолаётир. Заҳри қотил ким учундир даромад манбаи бўлса, кимнингдир эса жонининг заволи бўлмоқда.

Оғуфурларнинг кирдикорларини фож этиш ва уларнинг пинҳоний ҳаракатларига чек қўйиш ҳамда қонуний жазога тортиш, айниқса, ёшлар орасида бунинг тарқалишига қарши кураш ойлиги эълон қилинганлиги муносабати билан Қарши давлат университетида шаҳар ИИБ, «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, вилоят наркология диспансери билан ҳамкорликда «Ёшлар — гиёҳвандликсиз келажак сари» мавзуида маънавий-маъри-

фий тадбир бўлиб ўтди. Ҳамкор ташкилотлар вакиллари ва гиёҳвандлик ва унинг салбий оқибатлари ҳақидаги маърузалари иштирокчилар эътиборини ўзига тортди. Тадбирда турли саҳна кўриниши ва шу мавзуга оид бир қанча плакатлар намойиш этилди. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши талабаларидан Садоқат Элбекова, Мадина Йўлдошева, Ирода Равшанова, Мунира Раҳмонованинг тайёрлаган кўргазмалари юқори баҳоланди.

Тадбир сўнгиди «Ўзбекистон» телерадиоканали томонидан тайёрланган «Кулфат карвони» номи фильми намойиш этилди.

Эркин ЖАББОРОВ,
Қарши давлат университети
катта ўқитувчиси

“Kamolot” loyihalari

АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФО БЎЛСА...

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилояти кенгашининг «Ёшлар эко ҳаётни танлайди!» лойиҳаси ёшлар онгида экологик маданиятни шакллантириш, атроф-муҳит муҳофазасидаги ролини ошириш ва уларни табиий ҳамда энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишга ундаш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Лойиҳа доирасида 2015 йилнинг январь ойи давомида вилоят марказидаги 11- ва 12- давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаблари, «Мустақиллик» ва «Гулзор» маҳалла фуқаролар йиғинлари, вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли «Меҳрибонлик уйи»да мавзуга оид информатсион мини-сессиялар ўтказилди.

Ш.ҲАМРОҚУЛОВ,
«Камолот» ЁИХ Навоий вилояти кенгаши бўлим мудир

Dildagi gaplar

ҚАДРДОН ДАРГОҲИМ

Урганч шаҳридаги 12-мактабда ўтган онларимни умр йўлининг энг мазмунли бекати дегим келади. Ўттиз йилдан бери назарим тушмаган бу табаррук даргоҳга дийдор умидида йўл оларканман, атрофдаги янги қад кўтарган чиройли бинолар, фусункор манзарадан кўзим қувнайди. Кўнгил одами учун хотира ҳар қандай безаклардан, дабдаба ва қимматбаҳо бойликлардан устун.

Олий ўқув юртини тугатиб, йўлланма асосида Урганч туманидаги ўрта мактабда меҳнат фаолиятини бошлашим керак эди, аммо у ёққа қатнашим қийинлиги сабабли қар-соқов болалар интернатида тарбиячи бўлиб ишга кирганман. Орзуларимга ҳамоҳанг муҳитда ишламаётганимни кўрган қўшнимиз, тил ва адабиёт ўқитувчиси, раҳматли Отабой ака: “Бизнинг мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси етишмаяпти”, — деб мени ўша ерга ишга таклиф этди.

Оғир касаллик туйғайли муддатидан олдин нафақага чиқишга мажбур бўлган устоздан, афсуски, етарлича сабоқ ололмадим. Мактабда мутахассислигим бўйича бошқа тажрибали ўқитувчи бўлмагани боис ишга киришиб кетишим қийинроқ кечди.

Ўқув биниси мўъжазгина, бошқа мактабларнинг олдида ҳусни-таровати йўқдек туюлса ҳам, бироқ ўша пайтда директор Олтин Ҳакимованинг саъй-ҳаракати билан шаҳарнинг энг олди мактабларидан бирига айланган эди. Айниқса, унда мактаблар ичида биринчи бўлиб телестудия ташкил қилинган янгилик бўлган. Маънавиятга доир кўрсатувлар, адабий-бадиий чиқишлар ҳамда бошқа фанлардан умумий сабоқларга мўлжалланган студиянинг кейинги фаолияти қандай кечди, уни ташкил этиш ўзини

оқладими, йўқми — билмайман, бироқ мактаб раҳбарининг янгиликка интилувчанлиги ва ўқувчилар савиясини юксалтириш учун қилган меҳнатлари таҳсинга лойиқ.

Жамоадаги аҳиллик кишида ишлаш иштиёқини уйғотарди. Бизга кўпгина мактаб ўқитувчилари ҳавас қиларди.

Мактабдаги ўн йиллик фаолиятим давомида кўп дўст орттирдим. Яхши одамлардан мурувват кўрдим. Бошланғич синф ўқитувчиси Зиёда Собирова, математикадан сабоқ берувчи Ойшажон Оллаберганова, рус тили муаллими Гулнора Ражабова сингари устозларнинг ўз ишига муносабати, масъулиятни чуқур ҳис қилиши, умуман, барча ибратли жиҳатларини ўзлаштиришга интилганман. Нина Ивановна деган фидойи устозимиздан режа билан иш қилишни ўргандим. Гавҳар Аматова, Зулайхо Қиличева, Зулфия Шарипова, Роҳатой опа, Гулжон опа, Хуринисо опа, Дармонжон опа — уларнинг ҳар бири тимсолида мен меҳрининг беқиёс кучини, шогирдпарварликни, улуғворликни кўраман.

Ўтмиш хотиралари етаклаб борган даргоҳимнинг бугуни билан қизиқдим. Собик ўқувчим, мактаб директорининг илмий ишлар бўйича мудирини Нигора Ҳабибуллаева завқланиб кўрсатган бириридан шинам хоналарни айланиб, кадрдон даргоҳимнинг замонавий қиёфа касб этганига, фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай улғайишлари, камолотга эришишлари учун барча шароитлар муҳайё этилганини кўриб қанчалар қувонмай, кўнглимнинг туб-тубида ўтмиш хотиралари мавж урарди. Сени илиқ қарши олган жамоага, азиз бўлиб қолган даргоҳингга бўлган меҳрингни вақт шамоллари учуриб кетолмас экан. Бугунги юксалиш ва ўтмиш хотираларидан кўзларим ёшланди. Бу менинги соғинч ва қувонч ёшларим эди...

Гулсара ИСМОИЛОВА

«АЙЛАДИМ УЛ МАМЛАКАТНИ ЯКҚАЛАМ»

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ғазал мулкнинг султони Мир Алишер Навоий таваллудининг 574 йиллигига бағишланган туркум тадбирлар доирасида «Айладим ул мамлакатни якқалам» деб номланган китоблар кўргазмаси ва «Навоий назмига боқсанг» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда таниқли навоийшунос олимлар, адабиётшунослар, машхур актёрлар, мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари иштирок этди.



Кўргазмада буюк бобомиз асарларига шарҳлар, унинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид турли йилларда чоп этилган илмий-адабий китоблар намойиш этилди. Ўқувчилар эътиборига Навоийнинг ўнлаб тилларга тар-


жима қилинган асарлари, уларнинг изоҳли лўғати тақдим этилди. Ижтимоий-фалсафий, ахлоқий ғояларга йўғрилган ҳикматлари, турли афоризм, мақол ва маталларидан парча ўқилди. Шунингдек, Ойбек, Мақсуд Шайхзо-

да, Иззат Султон каби атоқли адиблар қаламига мансуб тарихий асарлар ҳам кўргазма лавҳларини беади.

«Навоий назмига боқсанг» мавзуидаги давра суҳбатида навоийшунос олимлар Боқижон Тўхлиев, Каромат Муллаҳўжаева, Ваҳоб Раҳмонов Алишер Навоийнинг жаҳон адабиёти, маданияти, инсонлар бахт-саодати, халқ фаровонлиги, мамлакат ободлиги, она тилимиз ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида сўз юритар экан, бу фазилатларнинг барчаси бугунги авлод учун ибрат бўлиши кераклигини таъкидлади. Ҳасан Ражабий ижросидаги машхур «Қаро кўзим» мотлаъи билан бошланадиган ашула барчани бирдек хушнуд этди.

Тадбирда 1-Тошкент педагогика коллежи ўқувчилари Навоийнинг ғазал ва рубоийлари гулдастаси асосида мушоира уюштирди. 135-умумтаълим мактаби ўқувчилари томонидан машхур драматик асарлардан кичик саҳна кўриниши намойиш этилди.

Алибек ОМОНТУРДИЕВ,
«Turkiston» мухбири



«Ёдим синиклари» — Зулфия хотирасига муносиб эҳтиром

*Ёдим синиклари, қалқ, овоз берай,
Қалқди, юратим, йида, бер бардош.*

*Қарамин титроқда — ҳаммаси ёсонли,
Қара, ҳаммасинини юзи қонгалаш...*

«Turkiston» саройи саҳнасида янграган Зулфияхонимнинг дардли ноласи томошабинлар қалбини забт этди. Шоиранинг умр дафтарини мухлисларга ҳавола этган «Дийдор» театр-студияси актёрлари юксак маҳоратини яна бир бор намоеън этди.

Юртимизда таниқли ўзбек шоираси, минглаб китобхонлар қалбини нафосат ва садоқат туйғулари билан тўлдирган, ҳаётнинг ҳар қандай қийинчиликларини заҳматлари олдида чекинмаган, сабр-тоқат, вафо тимсоли бўлган Зулфия таваллудининг 100 йиллик юбилеи кенг нишонланмоқда.

Маданият ва спорт ишлари вазири ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган ушбу маданий тадбир шоира хотирасига кўрсатилган эҳтиромнинг яна бир намунасидир.

Зулфиянинг умр сабоқлари, бошидан ўтказган яхши ва ёмон кунлари, ички кечинмала-

ри, хурлик соғинчи ҳақидаги хотираларидан сўзловчи «Хотирам синиклари» достони асосида «Дийдор» театр-студияси томонидан саҳналаштирилган «Ёдим синиклари» спектакли томошабинлар қалбида ана шунинч кунларимизга шукроналик ҳиссини уйғотади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Йўлдошева Зулфияхоним образини юксак маҳорат билан ижро этиб, шоиранинг азоб ва қувонч билан уйғун ҳаётини залдаги ҳар бир мухлис нигоҳида жонли гавдалантира олди.

Ўзбекистон халқ артисти, режиссёр Баҳодир Йўлдошев томонидан саҳналаштирилиб, илк маротаба Тошкент шаҳрида томошабинлар эътиборига ҳавола этилган спектакль республикамизнинг барча вилоятларида намойиш қилиниши режалаштирилган.

Парвина ОМОНОВА,
«Turkiston» мухбири

Sport xabarlari

МАЙДОНДА СИНАЛГАНЛАР

БОКС

Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида ўтказилган бокс бўйича халқаро турнирда ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари иккита олтин, биттадан кумуш ва бронза медални қўлга киритди.

Турнирда вазни 69 килограммгача бўлган боксчилар баҳсида иштирок этган ҳамюртимиз Маҳмуд Фоипов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлди. У финал баҳсида мўғлистонлик Уранчимег Мунх-Эрдене устидан ишончли ғалабага эришди.

Вазни 91 килограммдан оғир бўлган боксчилар баҳсида рингга чиққан яна бир спортчимиз Баҳодир Жалолов финалда россиялик Ярослав Дороничевни мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

52 килограммгача оғирликдаги боксчилар курашида Аброр Қодиров кумуш медалга эгалик қилган бўлса, вазни 91 килограммгача бўлган

чарм қўлқоп усталари ўртасида Сардорбек Бегалиев учинчи ўринга лойиқ топилди.

ФУТБОЛ

Хитойнинг Чэнду шаҳрида футбол бўйича халқаро турнир ташкил этилди. Унда Хитой, Жанубий Корея, Шимолий Корея ва Ўзбекистон вакиллари ўзаро куч синашди.

Турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилган «Бунёдкор» футбол академиясининг 2000 йилда туғилган тарбияланувчилари мусобақа бош совринини қўлга киритди. Отабек Фуломхўжаев ва Ёрқин Назаров шогирдлари ҳал қилувчи финал учрашувида Шимолий Кореянинг «Юсонён» жамоасини пенальтилар сериясида мағлубиятга учратиб, турнир ғолибига айланди.

Санжар Исматов,
«Turkiston» мухбири

Меҳр Ва муҳаббат ифродаси

Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўргазмалар залида Тешабой ва Шавкат Пирматовлар ижодига бағишланган кўргазма ташкил этилди. Кўргазма тасвирий санъат ижтимоидларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазманинг очилиш маросимида Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда санъатнинг барча йўналишлари каби тасвирий санъатни изчил рағбат топтириш, мазкур соҳа ривожини йўлида самарали фаолият кўрсатган мусаввирлар хотирасини эъзозлаш, уларнинг ижодини ўрганиш, тарғиб этиш масаласига алоҳи-

да эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Рангасвирчи рассом Т.Пирматов ижодидаги тамойиллар реалистик ва декоратив шартли услубларни бирлаштиришга асосланган. У кўп йиллар давомида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида тасвирий санъатдан тала-

баларга сабоқ берган. Шавкат Пирматов юртимиз ва халқаро миқёсда ўтказилган кўргазмаларда фаол иштирок этган.

Кўргазмадан жой олган ижодий ишларда қишлоқ манзаралари, одамларнинг кундалиқ ҳаёти, меҳнати, юртимизнинг мафтункор табиати ифодаланган. Тешабой Пирматов «Чўлга ҳаёт келди» асарида бетон ариқда чўмилаётган қишлоқ болаларини тасвирлаган. Болалар юзидаги қувноқ, шўхчан кайфият томошабинга яққол сезилади. Бундан ташқари, «Оила», «Пиллакор усталар», «Қаҳрамон она»,

«Ёшлик», «Балет рақосаси» портрети, «Кўл бўйидаги қиз», «Куз», «Баҳор» каби суратлар ёрқин ва ўзига хос тарзда ифода этилган.

— Мен тасвирий санъатга жуда қизиқаман, — дейди кўргазма иштирокчиси Севара Турсунова. — Расмлар маҳобатли экани билан эътиборимни тортди. «Пилла» деб номланган ижодий иш менга табиий ифодалангани билан ёқди. Суратда ранглардан ҳам ўринли фойдаланилган.

Зарнигор АБДУМАЛИКОВА,
«Turkiston» мухбири

Hunari borning — xazinasini bor

САЛОМАТЛИККА
ФЙДАЛИ

Сиз суратда кўриб турган йигит карвинг санъати устаси Миржалол Қосимов. Бу ном сизга яқин ўтмишнинг буюк футболчиларидан бирини эслатди, шундайми? Тўғри, бу Миржалол Қосимов ҳам спорт билан шуғулланади — кикбоксингчи. Аммо асосий машғулоти бошқа: қаҳрамонимиз карвинг (сабзавот ва меваларни кесиб чиройли шаклга келтириш) санъати устаси.

— Халқимиз азалдан гўзалликнинг қадрига етади, оддий ёғочда қандай мўъжизалар яратилганига бир қаранг! — дейди Миржалол Қосимов. — Мен карвингни наққошликнинг бир тури дегим келади. Сабзавот ва меваларни дастурхонга шунчаки тортиш ҳам мумкин, бироқ уларни фаройиб шаклга келтириб, чиройли ҳолда тақдим қилсангиз, унинг завқи бошқача. Психологлар гўзалликнинг инсон саломатлигига ижобий таъсирини аллақачон исботлаган. Мен бу санъат ёрдамида кишиларга эстетик завқ ва хуш кайфият улашишни мақсад қилганман. Яна бир ниятим ўзбек карвинг санъати довуғини дунёга ёйишдир.

Бугунги кунда Миржалол Қосимов ўзи каби қизиқувчан ёшларга карвинг санъати сирларидан сабоқ бермоқда.

Зарнигор АБДУМАЛИКОВА,
«Turkiston» муҳбири



Хазина

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

Ғазал

*Хушид юзунг бирла бу кун, эй моҳи тобон,
Даъво гар этар бўлғуси кун, сўнгра пушаймон.*

*Сен гул киби то ғамзадасен ҳуснунга мағрур,
Булбул киби мен ғамзадамен ҳуснунга ҳайрон.*

*Гул юзунг эрур лола, вале, лолаи худруй,
Тор оғзинг эрур ғунча, вале, ғунчаи хандон.*

*Гоҳи қулоғинг тўлғади, гаҳ юзунга келди,
Зулфунгни йиғиштурки, баса бўлди паршон.*

*Чун бўлди сочи ториға жон риштаси пайванд,
Бобур, кўнгул узмак сочидин эмди не имкон?!*

САЛОҲИЯТЛИ
ЁШЛАР МАСКАНИ

Қорақалпоғистон Республикаси
Нукус маданият ва санъат коллежида
748 нафар ўқувчи 16 мутахассислик
бўйича таҳсил олмоқда.



Коллежда ёшларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, ўзлари қизиққан йўналиш бўйича касб-хунар эгаллаши учун барча шароит яратилган. Фан, лаборатория, лингофон, компьютер хоналари зарур ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Спорт зали ва ахборот-ресурс маркази ўқувчилар билан доимо гавжум. Катта сахналарда ўз маҳоратини намойиш этаётган ўқувчилар турли фестивал ва ижодий кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

ЎЗА фотомухбири Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ олган сурат

Тафаккур қилмонидан бир қатра

Илтимосга қолган кунда ўлимни, босиқлик ва таъмасизликда барҳаётликни кўрдим.

Нажмиддин Кубро

2012 йили 1 июнда Чилонзор тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган «ТАФАККУР НАШРИЙОТИ» масъулияти чекланган жамияти (Reestr №006158-08)нинг Устави йўқолганлиги маълум қилинади.

БУ КИТОБДА ТАХАЛЛУС
ЎЗГАРТИРИШНИНГ
ЎЗРИНИ АЙТИШ

Алишер Навоий «Лисонут-тайр» асарида
қўллаган тахаллуси ҳақида



Кичик ёшлигимданок менга шеър ёзиш соҳасида ғариб ҳаёлларга берилиш насиб этган. Шеърнинг қайси бир турида асар ёзган бўлсам, улар туркий тилда ниҳоясига етар эди.

Ҳар бир киши бирон иш қилган бўлса, у бажарган баъзи ишларда ўзининг бир белгиси бўлади. Қўйиладиган шу белги ё муҳр, ё ёрлик, ёки тамға шаклида бўлиши мумкин. Саҳифаларни зийнатловчилар ёки шеър ёзувчилар учун тахаллус қўйиш ёзувчининг тамғаси вазифасини ўтайди. Сир аҳли қайси вараққа шеър битган бўлса, у ўша нишон (тахаллус) билан имтиёз топади. Ўқиган кишилар уларни бир-биридан ажратиш, бу Саъдийники ёки Низомий қаламига мансуб ва ё буни Хусрав Деҳлавий ёзган, бу Жомий асаридир, дейишади.

Мен эса турк тилида асар ёзишга киришиб, шу тилда истеъдодим ва қаламим туфайли шеърлар бунёд этдим. Истеъдодим булути ўзидан дурлар сочганида шеърларимда «Навоий» тахаллусини қўлладим. Жаҳон бўстонида ўз мақсадимга эришдим, бахтиёр кишилар шеърятимдан куй, наво топиб, баҳраманд бўлишди. Форсий шеърятда ҳам қалам суриб, назмининг турли навъларида асарлар ёздим. У маънолардан

менга файз етгач, шеърятим «Фоний» тахаллуси билан белги топди.

Мана энди «Лисонут-тайр»ни яратиш, унда ҳар хил қушлар билан биргаликда парвоз қилдим. Бу уларнинг дилкаш афғони ва ҳазин дostonларидир. Яна, бу дoston ҳам туркий услубда эди, шу сабабли унда «Навоий» тахаллуси қўллansa ўринли бўлар эди.

Бу асарда нима учун «Фоний» тахаллуси қўллаганимни билмоқчи бўлганлар учун сабабини айтман: менинг бу асарни ёзишдан кўзлаган мақсадим асл манбага қайтиб боришни тасвирлашдан иборат эди. Бунда эса фоний бўлмасдан туриб, иш ниҳоясига етмайди, шу сабабли ушбу асарим ҳам «Фоний» тахаллуси билан тугалланди.

Иккинчи сабаб шуки, маънолар эгаси бўлган Шайх («Мантук-тайр» муаллифи Фаридиддин Аттор назарда тутилган) қушлар тилидан дoston айтиб, қушларни сайр эттирди ва уларга етти водийдан учиб ўтишни белгилаб берди. Ўз асарида қушларга кўп азоб-уқубат чектиртириб, уларни энг сўнгги — Фано водийсига кўндирди.

Мен келтирган бу икки таносиб бир-бирига мос бўлиб, шеъримда бу тахаллусни қўллаганимнинг сабаби ҳам шундандир.



«Бизнинг замонамиз бу соҳибдавлат вужуди ила мушаррафдир. У ўз мартабаси, улуглиги ва шоҳга яқинлиги ва шунингдек, Аллоҳ ато этган ва ўқий-ўрганиш билан орттирилган илму дониши ва ақлу заковати билан шеърлари ҳусни камоли учун ҳар қандай мақтовдан юқори турса-да, у ўзини камтар тутиб, шеър аҳли жамоасига қўшилди ва бошқаларга ҳам пардани ордан кўтариб шеърят йўлини очиб берди. Аммо ҳаққониятини айтганда у мана шу анжуманларнинг барчасига бошлиқ ва шеър аҳли сардафарида номи битилгандир».

Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон» асарида таъриф этилаётган бу инсон кимлигини айтинг.

Жавобингизни **10 февраль** соат **16:00**га қадар **233-79-69, 233-95-97** рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади. Саволларга энг кўп тўғри жавоб топган муштарийлар йил якунида қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:

Эркин.
Тошкент шаҳридан Қобилбек Каримбеков ва Олтиариқ туманидан Шоҳсултон Тўхтама-тов тўғри жавоб йўллади.